



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَوْضَحَ لَنَا مَعَالِمَ الزَّكَاةِ وَالصَّلَاةِ وَالسَّلَامِ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ سَيِّدِ الْأَنْبِيَاءِ، وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ الْبَرَّةِ
الْكَرَامِ، أَمَا بَعْدُ

ЗАКОТ БЕРИШ – БУЮК ИБОДАТ!

Мухтарам жамоат! Закот – Исломнинг беш рукнидан бири бўлиб, шариат фарз қилган амалдир. Закот луғатда “поклаш”, “ўсиш” деган маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда эса – “Муайян моллардан маълум қисмини Аллоҳ таоло белгилаб берган муайян тоифа кишиларга мулк қилиб бериш” дир. “Закот” сўзининг маъноларидан бевосита кўришиб турибдики, закоти берилган молга барака киради, кўпаяди, ўсиб, зиёда бўлаверади. Закоти адо этилган молларни Аллоҳ таоло асрайди.

Қуръони Каримнинг ўттиз икки жойида закот беришга буйруқ бўлиб, шундан йигирма саккизтаси намоз билан бирга зикр қилинган. Шу эътибордан закотнинг мартабаси намознинг мартабаси билан тенгдир. Демак, мусулмон инсон намоз билан закотнинг орасини ажратмайди. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло Қуръони каримда шундай деган:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ (سورة النور/56).

яъни: “Намозни тўқис адо қилинглр, закотни беринглр ва Расулга итоат қилинглр, шоядки, раҳм қилинсангиз”(Нур сураси, 56-оят).

Рамазон ойи хайру саховат ва меҳр-оқибат ойи бўлганлиги учун ҳамда бу ойда бажариладиган барча амалларга ажрлар бир неча баробар кўпайтириб берилишидан умид қилиб мўъмин-мусулмонлар закотларини айнан ушбу ойда беришга одатланишган. Қуйидаги ояти карима закот бериш – фарз эканлигига далил ҳисобланади.

خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ بِهَا ... (سورة التوبة/103).

яъни: “Мол-мулкларидан уларни у сабабли поклашингиз ва тозалашингиз учун садақа олинг...” (Тавба сураси, 103-оят)

Бойлар бир қисм молларини камбағалларга беришлари фарз қилинган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَعْلُومٌ لِلْسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ (سورة المعارج/24-25).

яъни: “Уларнинг мол-мулкларида сўрагувчи ва бечора учун маълум ҳақ бордир” (Маъориж сураси, 24-25-оят)

Закот бой ва камбағални бир-бирига яқинлаштиради, бой киши ёрдам қилиш севинчи билан яшаса, камбағал эса ўз қалбида бойга нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ҳиссини туяди ва хасислик ўртадан кўтарилади.

Закоти берилган мол ҳар қандай бало ва офатлардан сақланиши ҳақида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

"حَصِّنُوا أَمْوَالَكُمْ بِالزَّكَاةِ وَدَاوُوا مَرْضَاكُمْ بِالصَّدَقَةِ وَأَعِدُّوا لِلْبَلَاءِ الدُّعَاءَ" (رواه الإمام أبو داود).

яъни: **“Молларингизни закот (бериш) билан сақлангиз. Касалларингизни садақа (бериш) билан даволангиз ва турли бало-офатларга дуони ҳозирлангиз”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"إِذَا أَدَيْتَ زَكَاةَ مَالِكَ فَقَدْ قَضَيْتَ مَا عَلَيْكَ" (رواه الإمام الترمذي).

яъни: **“Қачон молингизни закотини адо қилсангиз, албатта, зиммангиздаги бурчни бажарибсиз”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Закот зиммасига фарз бўлган кимса уни кечиктирмаслиги керак. Чунки, закот фақирларнинг ҳаққи бўлиб, уни бермасдан ўзида ушлаб туриш мумкин эмасдир. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ: “Закотни қасддан бермай кечиктириб юрган кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди” деганлар.

Шайтон закот берувчи кишига гўё молини қирқдан бирини берса, моли озайиб кетгандек туйилтириши мумкин. Бироқ молни фақирга бериш билан мол ҳаргиз камаймайди. Балки эгаси ўйламаган томонидан Аллоҳ таоло молини зиёда қилади. Бунга қўйидаги ҳадис яққол далил ҳисобланади:

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар:

"مَا نَقَصَ مَالٌ مِنْ صَدَقَةٍ قَطُّ" (رواه الإمام الترمذي).

яъни: **“Мол-мулк садақа қилиш билан зинҳор камаймайди”** (Имом Термизий ривояти).

Закотда закот берувчига ҳам, олувчига ҳам, улар яшаб турган жамиятга ҳам кўплаб дунёвий ва ухровий фойдалар бор. Шунингдек, у туфайли мулкдор тарафнинг қалби покланиб, руҳий томондан ўсиб бориши юзага келади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални Яманга волий қилиб юбораётганларида шундай деганлар:

"فَاعْلَمْتُهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً تُؤْخَذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ فَتَرُدُّ عَلَىٰ فُقَرَائِهِمْ" (رواه الإمام البخاري).

яъни: **“Уларга билдиринки, Аллоҳ таоло зиммаларига закотни фарз қилгандир. Закотни у ернинг бойларидан олиниб, камбағалларига берилур!”** (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

"وَيْلٌ لِلأَغْيَاءِ مِنَ الْفُقَرَاءِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يَقُولُونَ: رَبَّنَا، ظَلَمْنَا حُقُوقَنَا الَّتِي فَرَضْتَ لَنَا عَلَيْهِمْ، فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ:

وَعِزِّي وَجَلَالِي، لَأُدْنِيَنَّكُمْ وَلَأُبَاعِدَنَّهَمْ" (رواه الإمام الطبري).

яъни: **“Қиёмат куни йўқсиллар сабабли бойларнинг ҳолига вой бўлади! Камбағаллар шундай дейдилар: “Парвардигоро! Бой кишилар Сен бизга ажратиб берган ҳақларимизни бермасдан бизга зулм қилдилар”. Аллоҳ**

таоло шундай марҳамат қилади: “Иzzатим ва жалолим ҳаққи, сизни ўзимга яқинлаштираман, уларни эса узоқлаштираман” (Имом Табароний ривояти).

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Аллоҳ таоло ўз бандасига жон ва мол неъматини бергандир. Бадан ибодатлари жон — неъматининг шукридир, молиявий ибодатлар эса — мол неъматининг шукридир”.

Закот бериши вожиб бўлган киши ўз вақтида закотини чиқариб бермаса, моли ҳалокатга учраши ҳақида Оиша разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қиладилар:

“مَا خَالَطَتِ الرَّكَاةُ مَالًا قَطُّ إِلَّا أَهْلَكَتَهُ” (رواه الإمام البخاري).

яъни: **“Қачон бир молга (фақирларнинг ҳаққи бўлмиш) закот аралашса, албатта, молнинг баракасини кетказди”** (Имом Бухорий ривояти).

Демак, закот бериш — қолган молнинг ўсишига, кўпайишига, энг муҳими — баракали бўлишига ва турли бало офатлардан сақланишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло бир неча оятларида, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бир қанча ҳадисларида бойнинг молида камбағалнинг ҳаққи борлигини баён қилганлар. Шундай экан, ким молининг закотини хасислик ва оч кўзлик қилиб бермаса, барибир ўзи билмаган ҳолда камбағални ҳаққи уни молидан чиқиб кетади. Демак, камбағални ҳаққи барибир чиқиб кетар экан, ундан кўра закот вожиб бўлган вақтда закотини берган кимса ҳам зиммасидаги фарзни адо қилган бўлади, ҳам закоти берилган молларга ваъда қилинган барча фазилатларга эришади. Дунё ва охиратдаги юксак даражаларга эришади.

Мухтарам жамоат! Мавъизамиз давомида **закотга доир баъзи масалалар** ҳақида суҳбатлашамиз.

➤ Закот бериш хур, ақлирасо, балоғатга етган, нисоб миқдорича маблағга эга, нисобга эга бўлганига бир йил тўлган мусулмон зиммасига фарз бўлади.

➤ Бойлиги шариат белгилаб қўйган маълум миқдорга, яъни нисобга етган мусулмон киши ҳижрий-қамарий бир йил ўтиши билан аслий ҳожатларидан ортиқча бойлигининг қирқдан бир қисмини, яъни 2,5 фоизини шаръан белгиланган жойларга бериши фарзи айнди.

➤ Закотнинг шарти иккитадир: **биринчиси** — закот олувчига закотни мулк қилиб бериш, яъни ўша берилаётган мол-мулк олувчининг моли бўлмагунча закот адо бўлмайди. Шунинг учун ҳам закотни кўприк, йўл, сув омбори каби кўпчилик фойдаланадиган нарсаларга сарфланмайди. **Иккинчиси** эса — закот миқдорини молидан ажратиш пайтида ёки фақирга беришда закот, деб ният қилишдир.

➤ **Закотни кимларга бериб бўлмайди:** закотни нисоб миқдорича моли бўлган кишига, ота-онаси, бобо-момосига, ўғил-қизларига ва уларнинг фарзандларига, эр-хотин бир-бирига бериши мумкин эмас.

➤ **Кимларга берган афзал:** ушбу саволга “Фатовои ҳиндия” китобида шундай жавоб берилган: “Закот ва фитрни беришда энг афзали аввало ака-ука, опа-сингиллар ҳисобланади. Сўнг — уларнинг фарзандлари. Улардан кейин амаки-аммалар, сўнг — уларнинг фарзандлари. Тоға-холалар ва уларнинг

- фарзандлари, сўнг — юқоридагилардан ташқари қариндошлар. Улардан кейин кўшнилари, касбдошлар, кейин ҳамшахарлар ёки қишлоқдошлар ҳақлидирлар.
- “Баҳрур роиқ” китобида: “Қарзи бор кишига закот бериш фақирга закот беришдан кўра афзалдир”, дейилган.
 - Қарздор кишининг қарзи қўлидаги молдан кўп бўлса, қўлидаги моли ўзиники бўлмай, ҳақдорларники саналади. Ундан закот бермайди. Агар қўлидаги моли қарздан кўп бўлиб, фаразан қарзини чиқарганидан кейин қолган мол нисобга етса, қолган молдан закот беради.
 - Пул ёки тижорат молларининг қиймати нисобга етиб, бир йил ўтса, закот бериши фарз бўлади.
 - “Тижорат моллари” деганда “сотиш ниятида олинган ҳар қандай мол-мулклар” назарда тутилади. Уларнинг айнан ўзидан закот чиқариш мумкин. Лекин қийматини бериш афзалдир. Масалан, кийим-кечак, дори-дармонлар каби нарсаларни савдоси билан шуғулланувчи киши, сотаётган маҳсулотини ўзидан закот бериши мумкин. Аммо ўтмай қолган, сифатсиз молларни закотга бериш яхши эмас.
 - Тижорат молларидан закот чиқаришда ўша кундаги қиймати қанча бўлса, шу қийматнинг ҳисобидан закот чиқарилади. Унинг қанчага сотиб олгани ёки келгусида қанчага сотилишига қараб ҳисобланмайди.
 - Бир кишининг озгина тилло, озгина кумуш, озгина пули бўлса, уларнинг барчаси кўшилганда нисобга етса закот бериш фарз бўлади.
 - Йилнинг боши ва охирида закот нисоби мавжуд бўлиб, ўртасида нисобдан камайиб туриши закотни соқит қилмайди (“Оламғурия”, “Ҳидоя”).
 - Олтин хоҳ ишлов берилиб, тақинчоқ ёки буюм ҳолатига келтирилган бўлсин, хоҳ ёмби ҳолида, хоҳ табиий қазилма ҳолатида бўлсин, нисобга етса, закот берилади. Тилло тақинчоқлардан тиллонинг ўзи закот қилиб берилса, тақинчоқларнинг вазнига қараб закот чиқарилади. Масалан, 100 грамм тиллодан 2,5 грамм тилло закотга берилади. Агар тақинчоқларнинг закотини пул билан бериладиган бўлса, тақинчоқларнинг бозордаги қийматига қараб закот чиқаради. Масалан, бозорда қиймати қанча бўлса, шуни қирқдан бирини закотга беради. Тақинчоқлар хоҳ ишлатилаётган бўлсин, хоҳ ишлатилмаётган бўлсин, улардан закот берилади. Чунки улар ҳамёндаги пул билан бир хилдир (“Радуш муҳтор”).
 - Закот фарз бўлган вақтда уни адо этмаган бўлса, неча йил ўтса ҳам закоти зиммасидан соқит бўлмайди.
 - Яшаб турган уй-жойлари, истеъмолдаги кийимлари, минилиб турадиган улов (машина), озиқ-овқат, пардоз буюмлари (агар тилла, кумушдан ясалмаган бўлса), гавҳар, маржон, ёқут, зумрад (агар сотиш учун сақланмаётган бўлса) касб-ҳунар асбоблари каби нарсалардан закот берилмайди.
 - Ишлаб чиқарувчи корхоналарда икки хил мол бўлади. Биринчиси — хомашёлар. Иккинчиси — тайёр маҳсулотлар. Закот бериш пайтида иккаласининг қиймати ҳисобга олинади. Лекин, ишлаб чиқариш дастгоҳлари, асбоб-ускуна ва жиҳозларидан закот берилмайди.
 - Ижарага берилган бино, дўкон ва уловлардан закот берилмайди. Балки улардан тушган маблағ тилло, пул ва тижорат молларига қўшиб ҳисобланади.

➤ Закот олувчи кишини ўзига бир нисобдан ортиқ миқдорда закот бериш макруҳ саналади. Лекин закот берувчи закотига уй сотиб олиб, закотга ҳақдор кишига “Бу менинг закотим” деб берса жоиздир. Чунки бунда олувчи ҳожати аслияга эга бўлиб, ёнида нисоб миқдорича маблағ ошиб қолмайди.

➤ Закот пулига китоб чоп қилдириб, китоб олишга имкони бўлмаган ҳақдорларга тарқатса, закот адо бўлиб, илм тарқатишнинг савобига ҳам эга бўлинади.

➤ Чорва моллари ярим йилдан кўпроқ вақт давомида яйловда ўтлатилса ва нисобга етса, улардан ҳам закот берилади. Туянинг сони **5 та** бўлса нисобга етган бўлиб, ундан закот учун битта қўй берилади. Қора молнинг сони **30 та** бўлса нисобга етган бўлиб, ундан закот учун битта бир ёшли бузоқ берилади. Қўй ва эчкининг сони **40 та** бўлса нисобга етган бўлиб, ундан закот учун битта қўй ёки эчки берилади. Тижорат ниятида уйда боқилаётган ҳайвонларни сони қанча бўлишидан қатъий назар, уларнинг қиймати ҳисобланади. Агар қиймати нисобга етса, қирқдан бири закот учун берилади (*“Шарҳул виқоя”*).

➤ Чорва молларини сотиш ниятида боқаётган бўлса, уларнинг неча бош эканига қараб эмас, балки ўша кундаги қийматини ҳисоблаб, бир йилга тўлган бўлса, закот чиқарилади (*“Оламгирия”, “Бадое”*).

➤ Оқар сув ёки ёмғирда суғорилган экинларнинг ҳосилидан харажатлар чиқарилмасдан ушр (ўндан бир) берилади. Ерга ишлов берилмасдан ўзи ўсиб чиққан маҳсулотлардан ушр берилмайди. Сув чиқаришга чархпалак, ҳайвон ва бошқа нарсаларни ишлатиб, сарф-харажат қилинган бўлса, маҳсулотнинг, йигирмадан бири берилади. Суғоришдан бошқа ишларга сарфланган харажатлар эътиборга олинмайди. Асалдан ҳам олинган муҳсулотнинг, гарчи оз бўлса ҳам, ўндан бири ушр сифатида фақирларга берилади (*“Мухтасарул виқоя”*).

➤ Ҳовлидаги мевали дарахтлар мевасидан ушр берилмайди. Балки даласидаги дарахтлари мевасидан ушр берилади. Зеро, ҳовлидаги нарсалар ундаги иморатларга тобе ҳисобланиб, улардан ушр берилмайди (*“Қозихон”*).

Аллоҳ таоло барчамизга ибодатларни ўз вақтида адо қилувчи ва закотни чин дилдан берувчилардан қилсин. Омин!

Мухтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “АЛЛОҲНИ ЗИКРИ ИЛА ҚАЛБЛАР ОРОМ ОЛУР” мавзусида бўлади. Жамоатга эълон қилишингизни сўраймиз.